

УЎК: 336.22(575.1)

ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Гиясов Сарвар Аъзамович,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси доценти

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Аннотация. Мазкур мақолада иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмидан самарали фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган. Шунингдек, инновацион иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солишнинг илмий-назарий жиҳатлари ёритилган. Инновацион иқтисодиёт ва солиқ механизмнинг иқтисодий моҳияти баён этилган. Инновацион фаолиятга тақдим этилган солиқ имтиёзларининг амалдаги ҳолати танқидий таҳлил қилинган. Жумладан, корхоналарнинг илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятига солиқ имтиёзларининг таъсири ўрганилган. Амалга оширилган тадқиқот натижасида хулосалар шакллантирилиб, илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч тушунчалар: инновацион иқтисодиёт, инновацион фаолият, солиқ механизми, солиқ имтиёзлари, инновацион ривожлантириш.

ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НАЛОГОВОГО МЕХАНИЗМА В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ

Гиясов Сарвар Аъзамович,
доктор философии по экономическим наукам (PhD),
доцент кафедры «Налоги и налогообложение»

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье исследуются возможности эффективного использования налогового механизма в инновационном развитии экономики. Также интерпретируются научно-теоретические аспекты налогового регулирования инновационной экономики. Изложена экономическая сущность инновационной экономики и налогового механизма. Критически проанализированы действующие налоговые льготы, предоставленные в сфере научно-исследовательской и инновационной деятельности, в частности, их влияние на деятельность предприятий. В результате проведенных исследований были сформулированы выводы, разработаны научные предложения и практические рекомендации.

Ключевые слова: инновационная экономика, инновационная деятельность, налоговый механизм, налоговые льготы, инновационное развитие.

EFFECTIVE USE OF THE TAX MECHANISM IN THE INNOVATIVE DEVELOPMENT OF ECONOMY

Giyasov Sarvar Azamovich,
Doctor of Philosophy in Economics (PhD),
Associate Professor of the Department of Taxes and Taxation

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract. The article studies the possibilities of effective use of the tax mechanism in the innovative development of the economy. It deals with the scientific and theoretical aspects of tax regulation of the innovative economy, the economic essence of the innovative economy and the tax mechanism. The current state of tax incentives provided for research and innovation activities, in particular, the impact of tax incentives on research

and innovation activities of enterprises is critically analyzed. The research provides relevant conclusions, scientific proposals and practical recommendations.

Keywords: *innovative economy, innovative activity, tax mechanism, tax benefits, innovative development.*

Кириш

Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантирмасдан туриб иқтисодий тараққиётнинг кейинги босқичига ўтиб бўлмайди. Зеро, юқори рақобатбардошликка эришишда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтиш стратегик устуворлик ҳисобланади. Бу иқтисодий ривожланиш моделининг ўзгариши ҳамда иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни талаб этади.

Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражаси ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш – Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан тасдиқланган 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсади этиб белгиланган. Стратегиянинг асосий вазифаларидан бири эса Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилда Глобал инновацион индекс рейтингига бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакатига қаторига киришига эришишдир[1].

Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни халқ манфаатлари йўлида изчил давом эттириш мақсадида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури қабул қилинди. Мазкур дастурда қатор устувор йўналишлар ва муҳим вазифалар белгиланди. Хусусан, 2020 йил 1 сентябрга қадар илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан фаол интеграциялашувини таъминлаш мақсадида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизми тубдан

қайта кўриб чиқилиши алоҳида белгилаб қўйилди [2].

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, жаҳон амалиётида илмий-техник ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва инновацион фаолиятни жадаллаштиришда солиқ механизмдан кенг фойдаланилади. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектлари учун қулай солиқ муҳитини яратиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Аммо ҳозирда Ўзбекистон солиқ тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган солиқ механизмлари лозим даражада натижа бермаётганлиги кузатилмоқда. Хусусан, солиқ механизми элементи ҳисобланган солиқ имтиёзларининг тақдим этиш амалиёти аниқ мезонларсиз ҳамда уларни асословчи шаффоф механизмларсиз танлаб берилиши, берилаётган имтиёзларнинг самарадорлиги, жумладан, уларнинг муайян тармоқлар, ҳудудлар ва умуман, мамлакат иқтисодиёти ривожланишига амалий таъсирини баҳолашда тизимлилик йўқлиги, шунингдек, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар рақобатбардош эмаслиги каби қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Мазкур муаммоларнинг ечимига қаратилган илмий таклифларни ишлаб чиқиш зарурати танланган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмдан самарали фойдаланишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Инновацион жараёнларни солиқ механизми орқали ривожлантиришнинг айрим назарий, амалий ва услубий жиҳатларини тадқиқ этиш тадқиқотнинг вазифалари ҳисобланади. Тадқиқот объекти иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга қаратилган солиқ механизмлари, предмети эса солиқ механизмдан самарали

фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий жараёнлар.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Солиқ механизми орқали иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш масалалари қатор иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, иқтисодиётни тартибга солиш борасида Г. Менкьюнинг фикрига кўра, иқтисодиётнинг 10 та тамойилидан бири шундан иборатки, рағбат инсонга ижобий таъсир этади [3]. Агар миллий қонунчилик мамлакат аҳолисини жамғаришга рағбатлантирса, фуқаролар ўз даромадларининг катта қисмини тўплашга йўналтиради. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг келажакдаги турмуш даражаси ошишига олиб келади.

Менкью нафақат хусусий, балки жамият жамғармаларини кўриб чиқар экан, жамғармаларни рағбатлантирувчи солиқ қонунчилиги кутилмаган натижаларга олиб келади, деган хулосага келган. Маълум бир солиқларнинг ўзгартирилиши ҳамда капиталдан даромадларга солиқларнинг камайтирилиши бюджет тушумларини қисқартиради ва ўз навбатида, бюджет тақчиллигини оширади. Миллий жамғармалар ҳақиқатда ўсиши учун солиқ ўзгаришлари хусусий жамғармаларни шундай рағбатлантириши керакки, бунда энг камида бюджет тақчиллиги ўзгармаслиги зарур. Акс ҳолда, рағбатлантириш фақатгина вазиятни ёмонлаштиради. Паст солиқ ставкалари инсонларнинг интенсив меҳнат қилиш ва жамғармаларининг меъёри ошишини бирмунча рағбатлантиради.

Ш. Гатаулин томонидан ривожланган мамлакатлар солиқ тизими ўрганилиб, турли хил солиқ имтиёзлари орқали кичик илм-фан тадқиқот фирмалар фаолиятини рағбатлантириш тадқиқ этилган [4]. Унинг фикрига кўра, солиқлар, имтиёзлар ва санкциялар воситасида давлат техник жараёни, ишчи ўринлари сонини ошириш, ишлаб чиқаришни кен-

гайтиришга капитал қўйилмаларни рағбатлантиради. Давлат томонидан солиқлар ёрдамида техник жараёнинг рағбатлантирилиши, энг аввало, техник қайта жиҳозлаш, реконструкция, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун ускуналарга йўналтирилган даромадларнинг маълум қисми солиқлардан озод бўлишида намойён бўлади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, техник ишлаб чиқаришнинг янги ғоя ва янгиликлар генератори кичик венчур фирмалари бўлди. Замонавий ривожланган мамлакатлар солиқ тизими турли хил имтиёзлар орқали кичик илм-фан тадқиқот фирмалари фаолиятини рағбатлантиради. Хусусан, илмий тадқиқотлар ва тажриба конструкторлик ишланмаларига сарфланган харажатларни солиқ солиш базасидан чегириш, капитал ўсишидан даромадларни солиққа тортишдаги имтиёзлар, капитал жалб қилишда кичик фирмаларга узоқ муддатли қимматли қоғозлар жойлаштириш ва ниҳоят, корпорациялар даромадларини прогрессив солиққа тортиш каби.

Ш. Тошматов томонидан молиялаштиришнинг инновацион усуллари, шу жумладан, инновацион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлашда солиқларнинг ўрни ҳамда инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг хориж тажрибаси тадқиқ этилган [5]. Олимнинг фикрича, давлат томонидан инновацион фаолиятни билвосита қўллаб-қувватлашнинг дунёда энг кўп тарқалган усули солиқлар воситасида рағбатлантиришдир. Солиқлар воситасида инновацион фаолиятни рағбатлантиришда ушбу фаолиятга хўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий қўйилмаларни йўналтиришнинг оширилиши қўллаб-қувватланади.

Ф.Мирзаев томонидан корхоналар инновацион фаолиятини рағбатлантиришда турли солиқ имтиёзларининг ўзига хос хусусиятлари ва бу борадаги илғор

хориж тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш истиқболлари тадқиқ этилган [6]. Хусусан, инновацион фаолиятни солиқлар воситасида тартибга солишнинг халқаро амалиётда ўзининг ижобий самарасини берган солиқ кредити ва инновацион фаолият доирасида қилинган харажатларга солиқ чегирмаси тарзидаги имтиёзларни қўллаш имкониятлари илгари сурилган.

И. Ниязметов томонидан инвестицион-инновацион фаолликни оширишда солиқ механизмнинг роли, бу борадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш ҳамда такомиллаштириш йўллари атрофлича кўриб чиқилган [7]. Унинг фикрига кўра, ҳар қандай иқтисодиёт ривожидида солиқ тизимининг қандай шакллантирилганлиги муҳим роль ўйнайди. Бунда, солиқ тизими солиққа тортишнинг адолатлилиги, аниқ ва соддалиги, бюджетга етарлилиги, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни самарали тартибга солишга қодирлиги ҳамда қайишқоқлиги каби фундаментал талабларга жавоб берадиган тарзда ишлаб чиқилган бўлиши даркор.

С. Воронин ўз тадқиқотларида солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда бошқа зарурий чораларни амалга ошириш асосида юқори даражада қайта ишланган ва қўшилган қийматга эга маҳсулотлар рақобатбардошлигига кўмак берувчи шароитлар яратилишини илгари сурган [8]. Инновациялар яратилиши ва жорий қилиниши юридик ва жисмоний шахслар даромадлари ошишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, инновацион фаолиятни фаоллаштириш ва бу асосда иқтисодиёт рақобатбардошлиги ошиши ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги белгиланган устуворликларга эришишга кўмак беради.

К. Орзибеков томонидан иқтисодиётни инновацион йўл билан ривожлантиришда солиқ механизмини такомиллаштириш ҳамда инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш

нинг илғор тажрибалари ва уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш масалалари таҳлил қилинган [9]. Олим бугунги кунда инновация жараёнларига тўсиқ бўлувчи сабабни солиққа тортиш механизмларининг мукаммал эмаслиги билан изоҳлаган.

М. Забалыева ўз тадқиқотларида иқтисодиёт ривожланишини рағбатлантиришга солиқ тўловчининг ихтиёрида солиқ тўлангандан кейин қоладиган маблағларни ошириш ҳисобига эришилишини илмий асослаб берган [10]. Шу тариқа корхоналарнинг инновацион фаоллигини ошириш улар ихтиёрида солиқ тўлангандан кейин қоладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

М. Орлова ва Ф. Мухаметовлар томонидан инновацион солиқ имтиёзлари самарадорлиги масалалари ҳамда инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг инструментлари кўриб чиқилиб, муаллифлар томонидан бу инструментлар самарадорлиги пухта баҳоланмасдан, инновацион фаолиятни ривожлантирувчи замонавий солиқ механизмини шакллантириб бўлмайди, деган хулосага келинган [11].

И. Мельникованинг фикрига кўра, солиқлар воситасида рағбатлантириш иқтисодий муносабатлар субъектлари томонидан инновацион фаолиятни амалга оширишлари учун уларга қулай шароит яратадиган солиқ имтиёзлари ва афзалликларини тақдим этиш бўйича комплекс чораларни ўзида ифода этади [12]. П. Свободанинг фикрича, инновацион фаолиятни давлат томонидан бевосита молиялаштириш орқали рағбатлантиришдан кўра, билвосита солиқ механизмлари воситасида рағбатлантириш самаралироқ. Бу фикрга муаллифнинг эконометрик таҳлиллари асосида келинган [13].

Н. Зинчикнинг фикрига кўра, солиқлар воситасида рағбатлантириш – бу давлат учун устувор йўналишлар бўйича жамиятга фойдали ҳамда рағбатлантириладиган фаолиятнинг хўжалик юри-

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

тувчи субъектлар томонидан амалга оширилишида уларнинг манфаатдорлигини кучайтиришга йўналтирилган қонунчиликда белгиланган ҳуқуқий ҳаракатлардир. Шунингдек, мазкур ҳўжалик

юритувчи субъектларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тўлов муддатларини ўзгартириш юзасидан қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чоралардир [14].



1-расм. Инновацион иқтисодиётнинг таянч тамойиллари, белгилари ва индикаторлари

Манба: [15].

Ю. Корчагин томонидан инновацион иқтисодиётнинг таянч тамойиллари, белгилари ва индикаторлари алоҳида тадқиқ этилган (1-расм).

Аввало, бўш капиталлар эгалланишига тўхталар эканмиз, бундай капиталларнинг эгалланиши инновацион жараённинг ҳар бир босқичида иштирок этади. Давлат илмий грантлар ва инновацион инфратузилмага қўйилмалар орқали фундаментал илм-фанны молиялаштиради. Бу ҳар қандай тадқиқот ва ишланмаларнинг молиялаштирилишига манфаатдор ўзаро рақобатлашадиган турли хил илмий жамоаларни жалб қилади.

Инновацион иқтисодиёт инновацион жараённинг ҳар бир босқичида ўзининг маҳсулотлари, хизматлари ва агентлар сонининг ортиқ ёки етарли бўлишини кўзда тутади. Мисол учун, билимлар,

ғоялар, ишланмалар, патентлар, юқори технологиялар, корхоналар, тадбиркорлар, олимлар, инфратузилмаларнинг керагидан ортиқ бўлишини назарда тутади. Бу рақобатга ундайди ва уни қўллаб-қувватлайди, натижада товарлар хилма-хиллиги ва сифати ҳамда меҳнат унумдорлиги ошади. Рақобат шахс, иқтисодиёт, жамият ва инсон капиталини бош интенсив омил сифатида ривожлантириш двигатели ҳисобланади.

Инновацион тизимнинг илм ва таълим тизими билан ҳамкорлик доирасида инновацияларни ишлаб чиқувчи турли компанияларнинг яратилиши рағбатлантирилади. Бу илмий ускуна, технопарклар, махсус солиқ ҳудудлари, имтиёзлар ва дотациялардан жамоавий фойдаланадиган марказлар қуриш ҳисобига амалга оширилади. Инновацион иқтисодиёт янги ташкил этиладиган бозорлар орқа-

ли барпо этилади. Янги ғоялар, ишланмалар, интеллектуал мулк, инновацион маҳсулотлар бозорида иқтисодиётнинг эски тузилмалари алмаштирилади ва янги сифатга ўтказилади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида услубий асос сифатида молиявий ва иқтисодий таҳлилнинг бир қатор усулларидан фойдаланилади. Хусусан, иқтисодий, мантикий, илмий абстракциялаш, қиёсий таҳлил, монографик тадқиқот, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, индукция ва дедукция ҳамда тасвирий статистика ва регрессион таҳлилларга мурожаат қилинади.

Таҳлил ва натижалар

Аввало, инновацион иқтисодиёт тушунчасига қисқача тўхталиб ўтсак. Инновацион иқтисодиёт – иқтисодиёт тармоқлари, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, ташқи савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар, иқтисодиётни бошқаришга фан-техника соҳасида қўлга киритилган янгиликлар, кашфиётлар, ноу-хау, патентларни жорий этиш ҳисобига интенсив ривожланишни йўлга қўйган замонавий иқтисодиётдир. Бошқача айтганда, инновацион иқтисодиёт – инновациялар оқими, доимий технологик такомиллаштириш, жуда ҳам юқори қўшилган қийматга эга юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга асосланган иқтисодиёт шаклидир.

Инновацион иқтисодиёт, биринчи навбатда, инсон омили, яъни инсоннинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланишни кўзда тутди. Мазкур турдаги иқтисодиёт аломатлари аввалги даврларда ҳам кўзга ташланган бўлса-да, бироқ бугунгидек долзарблик касб этмаган. Сабаби кейинги даврларда жаҳон оммасини жиддий ташвишга солаётган глобал муаммолар, хусусан, аҳоли сонининг кескин ўсиши ҳисобига хомашё ресурсларининг камайиб бориши, саноатлашув жараёнидаги экологик инқирозларни бартараф этиш зарурати, ўз навба-

тида, ишлаб чиқаришни оптималлаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланган инновацион иқтисодиётга ўтишни заруратга айлантирмоқда.

Инновацион иқтисодиёт – ишлаб чиқаришда хомашё ресурсларини тежайдиган, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобига атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашни мақсад қилиб қўювчи, вақт ва сарф-харажатларни тежовчи, кадрларга юксак маънавий-интеллектуал талаблар қўйган, ахборот асри ютуқларидан фойдаланган ҳолда бошқарув ва меҳнатни оқилона ташкиллаштирувчи, товар-пул муносабатлари, хизмат кўрсатиш жабҳалари, ахборот ва молия айрибошлашни оптималлаштирувчи, келажак авлодга улкан табиий ресурслар ва бой интеллектуал мерос қолдирувчи ҳамда иқтисодий тараққиёт талабларига тез мослашувчи иқтисодиёт ҳисобланади [16].


Инновацион иқтисодиёт, ўз навбатида, жаҳон интеллектуал мулкнинг энг муҳим сегментларидан бўлган илмий ишланмалар бозори ривожланишига туртки бўлди. Бу бозор илмий-технавий ишланмалар ва турли лойиҳалар олди-сотди қилиниши, тендерлар ўтказилиши, контрактлар тузилиши, грантлар танлови ўтказилиши, ярмарка ва кўргазмалар ташкил этилиши, янгиликларнинг инновация фирмалари ва биржалардан сотиб олиниши билан характерланади. Бу бозорда сотувчи сифатида университетлар, илмий тадқиқот муассасалари, конструкторлик, технологик, лойиҳалаштириш фирмалари фаолият кўрсатади. Улар ўзи ишлаб чиққан ғоялар ва лойиҳаларни таклиф этади. Харидор вазифасини эса турли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фирмалари ҳамда давлат идоралари бажаради.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга самарали таъсир этадиган энг муҳим механизмлардан бири солиқ механизми ҳисобланади. Солиқ механизмининг моҳиятига ҳам қисқача тўхталиб ўтсак. Солиқ сиёсати солиқ механизми

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

орқали амалга оширилади. Солиқ механизми – бу солиқ сиёсати мақсадларига эришишни таъминловчи солиқ муносабатлари усуллари ва қоидалари мажмуидир. Солиқ сиёсатининг ички моҳияти солиқлар моҳиятига мувофиқ шакллана-

ди, яъни икки функция – фискал ва тартибга солиш функциялари амалга оширилиб, улар умумдават, корпоратив ва шахсий манфаатлар ўртасидаги мувозанатни кўзда тутди (2-расм).



2-расм. Солиқ механизмининг функциялари, элементлари ва мақсади
Манба: [16].

Солиқ механизмининг элементлари: режалаштириш, тартибга солиш ва назорат ҳисобланади. Солиқ режалаштириш – бу реал иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, солиқ тушумларининг иқтисодий асосланган прогнозлар тизимидир. Режалаштириш даврий жиҳатдан тезкор, жорий, узоқ муддатли ва стратегик режалаштириш турларига ажратилади. Солиқ режалаштиришнинг асосий вазифаси амалдаги солиқ қонун-

чилиги асосида мамлакат ижтимоий-иқтисодий дастурларининг сифат ва миқдорий кўрсаткичларини таъминлашдан иборатдир. Солиқ режалаштиришнинг давлат миқёсидаги роли солиқ тушумлари, уларнинг ўсиш суръатлари ва солиқ солиш базасини ошириш омилларининг таҳлили ҳамда шу асосда бюджетга солиқ тушумлари ҳажмининг ҳисоб-китобини аниқлаштиради [17].

Солиқлар воситасида тартибга солиш – ишлаб чиқариш жараёнларига тезкор аралашувга қаратилган иқтисодий чоралар тизимидир. Солиқлар воситасида тартибга солиш иқтисодий асосланганлик, молиявий мақсадга мувофиқлик ва манфаатлар тенглиги каби тамойилларга асосланади. Солиқлар воситасида тартибга солишнинг асосий вазифалари хўжалик юритувчи субъектларнинг ички ва ташқи фаолияти учун умумий солиқ муҳитини яратиш ҳамда устувор тармоқлар ва маблағларнинг ҳудудий йўналишларга ҳаракатини рағбатлантириш учун имтиёзли солиқ шароитларини таъминлашдан иборатдир.

Солиқлар воситасида тартибга солиш турли усул ва методлар билан амалга оширилади. Усуллари: имтиёзлар ва санкциялар. Методлари: солиқ кредити, кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш, трансфертлар ва бошқалар. Даромадларни тартибга солишда солиқ ставкаси давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим воситалардан биридир. Солиқ ставкаси солиқ базаси ёки унинг бир қисми фоизини белгилаб, унинг пулдаги қиймати солиқ миқдори ҳисобланади. Ҳукумат солиқ ставкасини ўзгартирар экан, солиқ қонунчилигига катта ўзгартириш киритмаган ҳолда, иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиши мумкин. Солиқ сиёсати алоҳида ҳудудлар ва тармоқлардаги айрим тоифа солиқ тўловчиларга пасайтирилган ёки табақалаштирилган солиқ ставкалари орқали сезиларли самарага эришади.

Солиқ ставкаси молиявий қонунчиликнинг нисбий ҳаракатчанлигини таъминлайди ҳамда ҳукуматга даромадларни тартибга солиш сиёсатида устуворликларни тез ва самарали ўзгартириш имконини беради. Давлат сиёсатини амалга оширишда солиқ ставкаси муҳим аҳамият касб этади. Бунда мутаносиб, прогрессив, регрессив ва қатъи каби турли солиқ ставкаларидан фойдаланилади.

Прогрессив ва регрессив ставкалар алоҳида аҳамиятга эга. Улар нафақат

турли тоифадаги солиқ тўловчиларнинг даромадлари даражаси, балки турли даражадаги бюджет даромадларини шакллантиришни тартибга солишда самарали воситадир.

Марказлашган ягона солиқ тизими солиқ ставкалари ҳисобига етарли даражада мослашувчанликка эга бўлиб, у солиқ ставкаларини ҳар йили аниқлаштириш ва солиқ сиёсатини реал иқтисодий вазиятга мос келтириш билан таъминланади. Солиқ ставкаси билан бир қаторда солиқ имтиёзлари солиқ сиёсатини амалга оширишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, белгиланган талабларга жавоб берадиган жисмоний ва юридик шахсларни тўлиқ ёки қисман солиқдан озод қилиш мумкин.

Солиққа тортишнинг жаҳон амалиётида қўлланиладиган солиқ имтиёзларини тизимлаштириш мушкул. Сабаби давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга манфаатдорлиги мавжуд бўлган ва у томонидан иқтисодиётнинг айрим тармоқлари, ҳудудлар, тадбиркорлик фаолияти турларини рағбатлантириш ёки чеклаб туришга тайёр бўлган ҳар қандай ҳолларда ўрнатилиши мумкин.

Давлат солиқ тўловчиларга муайян солиқ имтиёзларини тақдим этар экан, биринчи навбатда, иқтисодий жараёнларга таъсирини фаоллаштиради. Ҳар қандай давлатда имтиёзларни тақдим этишнинг шакл ва усуллари доимий равишда ривожланиб боради. Солиқ имтиёзларининг, асосан, қуйидаги шакллари келтиришимиз мумкин:

- фойда, даромад ёки бошқа объектни солиқ солишдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш;
- зарарларни келажак даврлардаги даромадларга олиб бориш;
- пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллаш;
- муайян фаолият тури ёки бундай фаолиятдан олинган даромаднинг солиқдан (тўлиқ ёки қисман) озод этилиши;

- алоҳида ижтимоий гуруҳларни солиқдан озод қилиш;

- солиқ тўловларини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш.


Аксарият мамлакатларда солиқ имтиёзларининг объекти инвестицион фаолият ҳисобланиб келинмоқда ва ушбу мақсадлар учун ишлатиладиган фойда солиғидан тўлиқ ёки қисман озод қилинмоқда. Шу билан бирга, ҳозирги кунда аксарият солиқ имтиёзларининг объекти инновацион фаолият ҳисобланади.

Кўпгина мамлакатларда солиқ имтиёзлари кичик корхоналар ташкил этиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантиришнинг фундаментал асоси бўлган илмий-техник ишланмалар ва экологик лойиҳаларни рағбатлантиришни кўзда тутлади. Шунингдек, улар жаҳон бозори учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кўмаклашувчи янги юқори технологик импорт ўрнини босувчи тармоқлар яратишга кўмаклашмоқда. Алоҳида солиқ имтиёзларидан фойдаланиш иқтисодий ва молиявий инқирозлар оқибатларини юмшатишга қаратилган. Давлат ишлаб чиқариш активларини янгилаш, капитал марказлашуви ва таш-

қи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш учун кечиктирилган солиқ тўловлари ёки солиқдан озод қилиш каби солиқ имтиёзларидан фойдаланади.

Бир қатор мамлакатларда даромад ёки фойдани солиққа тортишда жорий йилдаги зарарларни фойдага ёки кейинги йил фойдасига ёхуд кейинги йиллар даромадига тақсимлаш одат тусига киради. Айрим мамлакатларда консолидациялашган солиқ тўловчиларга солиқ солинади. Бу уларнинг баланс доирасида зарар ва фойдани қоплашга имкон беради.

Аввал давлатга тўланган солиқларни корхоналарга қайтариш кўринишидаги солиқ чегирмалари ҳиссадорлик жамиятларининг янги чиқарган акцияларига харидор бўлган биринчи сотиб олувчилар томонидан солиқ имтиёзлари шаклида тез-тез фойдаланилмоқда. Бир қатор хорижий мамлакатларда мулк шаклига қараб имтиёзлар берилади. Масалан, кўпинча давлатга қарашли объектлар ер солиғини тўлашдан озод этилади ва давлат корхоналари фойдасини имтиёзли солиққа тортиш йўлга қўйилади. Баъзан хорижий инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари фуқароликка қараб берилади [16].




3-расм. 2011–2018 йилларда юридик шахслар томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари таҳлили (фоизда)

Манба: [16].

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Ўзбекистонда ҳам илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш, асосан, солиқ имтиёзлари орқали амалга ошириб келинмоқда. Энг аввало, мамлакатимизда 2011–2018 йиллар мобайнида солиқ тўловчи юридик шахслар томонидан солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг умумий кўрсаткичларига эътибор қаратамиз. Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун белгиланган ушбу солиқ имтиёзларини 3-расм орқали кўриб чиқар эканмиз, 2011–2018 йиллар давомида илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларидан фойдаланган юридик шахслар сони умумий солиқ имтиёзларидан фойдаланган юридик шахслар сонига нисбатан ўртача 0,38 фоизни ташкил этган бўлса, имтиёзлар суммасида атиги 0,07 фоизни ташкил этган. Бу эса инновацион фаолиятни солиқ имтиёзлари воситасида рағбатлантириш даражаси пастлигидан далолат бермоқда.

Шунингдек, таҳлиллар кўрсатдики, инновацион фаолиятга мўлжалланган солиқ имтиёзларининг ўсиш суръатлари инновацион фаолият натижаларидан илгарилаб кетган. 2010–2017 йилларда инновацион фаолиятга тақдим этилган солиқ имтиёзларининг ўтган йилларга нисбатан ўсиш суръатлари ўртача 96,6 фоизни ташкил этган бир вақтда, инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмининг ўсиш суръатлари 42,8 фоизни, инновацион фаолиятга харажатлар ҳажмининг ўсиш суръатлари 24,9 фоизни, инновацияларни жорий қилган корхоналарнинг ўсиш суръатлари 9,4 фоизни, инновацион маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар сони 39,1 фоизни ташкил этмоқда. Яъни тақдим этилаётган солиқ имтиёзларининг корхоналар инновацион фаолияти натижаларига таъсир этиши паст даражада бўлиб келган (4-расм).



4-расм. Инновацион фаолият натижалари ва тақдим этилган имтиёзлар таҳлили

Манба: [16].

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Бундан ташқари, илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳисобига корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар, улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмига таъсир этиш даражасини аниқлаш мақсадида, Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармонлари ва

қарорларига асосан, 2015 йилда 88 та, 2016 йилда 100 та, 2017 йилда 152 та, 2018 йилда 306 та корхоналарга илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларининг ялпи тушуми (2-шакл 010-сатр) ва таннархига (2-шакл 020-сатр) таъсир этиш юзасидан регрессион (Poisson regression) таҳлиллар ўтказилди (5-расм).

VARIABLES	(1) Fixed effects	(2) Random effects
Foyda		-0.0155 (4.977)
Constant Tannarx		13.64*** (0.170)
Constant lnalpha		2.448*** (0.0631)
Observations	294	646
Number of nom	100	409

Standard errors in parentheses

*** p<0.01, ** p<0.05, * p<0.1

5-расм. Инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларининг корхоналар таннархига таъсири бўйича регрессион таҳлил натижалари

Манба: [17].

Мазкур таҳлил натижасида илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тўлиқ озод қилиш тарзидаги фойда солиғи бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзини корхоналарнинг таннархига (2-шакл 020-сатр) таъсир этиш даражаси пастлиги, яъни илмий тадқиқот ва инно-

вацион фаолият учун фойда солиғи бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳисобига корхона ихтиёрида қоладиган маблағларнинг инновацион маҳсулотлар (иш, хизмат)ни ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар ҳажмига таъсир этиш даражаси пастлигини кузатишимиз мумкин.

VARIABLES	(1) Fixed effects	(2) Random effects
Foyda		-5.14e-05 (5.23e-05)
Constant Yalpi_tushum		14.60*** (0.108)
Constant lnalpha		1.543*** (0.0560)
Observations	362	647
Number of nom	125	409

Standard errors in parentheses

*** p<0.01, ** p<0.05, * p<0.1

6-расм. Инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларининг корхоналар ялпи тушумига таъсири бўйича регрессион таҳлил натижалари

Манба: [17].

Худди шундай, 6-расмдаги регрессион таҳлил натижасининг гувоҳлик беришича, илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тўлиқ озод қилиш тарзидаги фойда солиғи бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзларининг корхоналар ялпи тушумига таъсирини ижобий деб бўлмайди. Бу солиқ имтиёзлари корхоналарнинг маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушуми, шунингдек, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этиш даражаси пастлигидан далолат бермоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, фикримизча, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга мўлжалланган янги солиқ имтиёзларини жорий этиш эмас, балки мавжудларининг самарадорлигини ошириш зарур. Бунинг учун илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун номуайян муддатга барча солиқ турларидан тўлиқ озод қилиш тарзидаги солиқ имтиёзларини тақдим этиш амалиётидан воз кечиб, ўрнига солиқ турларидан пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллаш, инновацион фаолият натижаси ҳисобланган инновацион маҳсулот тижоратлаштирилиши натижасида олинган фойда солиғини тўлаш бўйича солиқ кредити шакллари татбиқ этиш, мазкур фаолият турларига қилинган харажатлар солиққа тортиладиган фойдадан чегирилиши лозим.

Шу билан бирга, илмий тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ва патентлар олинишидан келиб чиққан ҳолда, солиқ ставкасини пасайтириш ёки солиқ кредити шакллари қўллаш самаралироқ ҳисобланади. Бунда тегишли ваколатли органлар томонидан натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги ва патентлар олинганлиги ҳақидаги маълумотлар асос бўлади.

Солиқ имтиёзлари натижаларини мониторинг қилиш механизмнинг мавжуд эмаслиги солиқ имтиёзлари самарадорлигини пасайтирувчи омиллардан бири бўлиб, солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг аниқ мезонларини белгилашга

имкон бермайди. Бу эса имтиёзларни тақдим этиш механизмнинг аниқлиги, очиқлиги ва шаффофлигини таъминламайди. Солиқ имтиёзлари самарадорлиги пастлигининг яна бир асосий сабабларидан бири бу солиқ имтиёзларининг ҳеч қандай шартларсиз берилиши ва қайтариб олинмаслигидир. Имтиёзлардан фойдаланувчи корхона ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини ошириш, ҳажмини кўпайтириш ёки экспорт ҳажмини ошириш бўйича ҳеч қандай мажбурият қабул қилмайди.

Бундан ташқари, аксарият ҳолларда берилаётган у ёки бу солиқ имтиёзлари фақатгина унинг жорий қилиниши босқичида баҳоланади. Кейинчалик ундан келадиган бюджет йўқотишлари етарлича баҳоланмайди, берилган имтиёз ҳисобига эришиш керак бўлган иқтисодий самарадорлик таҳлил қилинмайди. Солиқ имтиёзлари натижаларини мониторинг қилиш механизмнинг мавжуд эмаслиги солиқ имтиёзлари самарадорлигини пасайтирувчи омил бўлиб, солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг аниқ мезонларини белгилашга имкон бермайди. Бу эса имтиёзларни тақдим этиш механизмнинг аниқлиги, очиқлиги ва шаффофлигини таъминламайди.

Хулоса ва таклифлар

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаоллигини солиқ механизми орқали самарали оширишга эришиш учун дастлаб қонун ҳужжатларида бу борадаги мавжуд ноаниқликларни бартараф этиш зарур. Биринчи навбатда, ўзида рағбатлантириш объектини аниқ белгилайдиган, инновацияларга доир асосий тушунча ва мезонларни мужассам этган инновацион фаолият тўғрисидаги қонунни қабул қилишни кечиктирмаслик мақсадга мувофиқдир.

2. Инновацион фаолият учун мўлжалланган солиқ имтиёзлари корхоналарнинг молиявий натижалари ҳисобланган ялпи тушум, ялпи фойда, соф фойда, йиллик иш ҳақи фонди, ўртача ойлик иш ҳақи, ишчилар сони, экспорт

ҳажми ўсиши каби эришилган натижалардан келиб чиққан ҳолда, яъни «Имтиёзлар-инновация-натижалар» тамойилида тақдим этилиши ўринли.

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун ҚҚС бўйича назарда тутилган солиқ имтиёзи самарадорлигини ошириш мақсадида нафақат бюджет маблағлари, балки бюджетдан ташқари фондлар ва хусусий маблағлар ҳисобидан бажариладиган илмий тадқиқот ҳамда инновация ишларига ҳам солиқ имтиёзларини татбиқ этиш, шунингдек, бундай ишлар қийматини ҚҚСдан тўлиқ озод қилиш ўрнига фаолият натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ҚҚСнинг пайсга тўлган ставкаси қўлланилиши самарали ҳисобланади.

4. Солиқ имтиёзлари натижаларини мониторинг қилиш механизмнинг амалиётга татбиқ этилиши солиқ имтиёзлари ҳисобига эришилган натижалар аниқлигини таъминлаш, солиқ имтиёзлари ҳисобига бюджетдаги йўқотишларни прогнозлаш, солиқ имтиёзлари самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, самарасиз солиқ имтиёзларини аниқлаш ва бекор қилиш ҳамда солиқ имтиёзлари фойдаланувчиларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

5. Бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари иштирокчиларига лойиҳа доирасида олган даромадлари бўйича мазкур фаолият натижаларининг жорий қилинганлигидан келиб чиққан ҳолда, даромад солиғидан имтиёз тақдим этилиши илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик фаолияти натижаларининг сифат жиҳатидан яхшиланиши ҳамда амалиётга жорий қилиниши жадаллашишига олиб келади.

6. Инновацион фаолият учун тақдим этиладиган солиқ имтиёзлари фақат маълум шартлар остида, корхона миқёсида, яъни солиқ кредити каби берилиши, қўйилган шартлар бўйича ижобий натижаларга эришилгач, шартли солиқ кредити сўндирилган, деб ҳисобланиши, акс ҳолда, имтиёз берилган давр тугагач, кредитнинг натижадан ортиқча қисми бюджетга қайтарилиши солиқ имтиёзлари самарадорлигини оширади.

Юқорида шакллантирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда, хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаоллигини оширишда ҳамда солиқ механизмнинг самарадорлигини таъминлашда сезиларли натижаларга эришиш имконини беради, деган умиддамиз.

Манба ва адабиётлар

1. 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 22.09.2018. – 06/18/5544/1951-сон.

2. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 03.03.2020. – 06/20/5953/0246-сон.

3. Менкью Н.Г. Принципы экономики. – СПб: Питер ком, 1999. – 784 с.

4. Гатаулин Ш.К. Налоги и налогообложение: Учебное пособие. – Т.: Мир экономики и права, 1996. – 303 с.

5. Тошматов Ш.А., Ражаббаев Ш.М. ва б. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари: Монография. – Т.: Молия, 2015. – 160 б.
6. Mirzayev F. and oth.. On instruments of tax incentives of the innovative development in the economy of Uzbekistan // Section 14. Economics and management. – 2017. – Pp. 94-98.
7. Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш: Иқт. ф. докт. ... дис. автореф. – Т.: Молия, 2018. – 32 б.
8. Воронин С.А. Налоговый механизм стимулирования инноваций и необходимость его совершенствования в Узбекистане // Институт прогнозирования и макроэкономических исследований. – Т., 2017. – С. 11.
9. Орзибеков К. Инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг илғор тажрибалари ва уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш масалалари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2015. – № 4. – Б. 1-7.
10. Забалуева М.А. Налоговое стимулирование инвестиций в инновационное развитие экономики России. – М.: ИНФРА, 2005. – 213 б.
11. Орлова М.Е., Мухаметов Ф.А. Инструменты налогового стимулирования инновационной деятельности // Центр научного сотрудничества «Интерактив плюс». – Казань, 2016. – С. 1-5.
12. Мельникова И.Н. Налоговое стимулирование инновационной деятельности в Беларуси / И.Н. Мельникова // Центр системного анализа и стратегических исследований НАН Беларуси [Электронный ресурс]. – 2011. – Режим доступа: <http://ru.forsecurity.org>. – Дата доступа: 15.09.2015.
13. Svoboda P. The impact of tax incentives on research and development // Acta Universitatis Agriculturae et Silviculturae Mendelianae Brunensis. – Czech. 2017. – N 65 (2). – Pp. 737-743.
14. Зинчик Н.С. Методы развития инновационной деятельности промышленных предприятий на основе налогового стимулирования: Дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 / Н.С. Зинчик. – СПб., 2011. – 171 с.
15. Корчагин Ю.А. Современная экономика России. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. – С403. – ISBN 978-5-222-14027-7.
16. Гиясов С.А. Корхоналарнинг инновацион-инвестицион фаолиятини тартибга солишда солиқ имтиёзларини такомиллаштириш: Иқт. ф. бўйича фалсафа докт. ... дис. – Т.: БМА. – 193 б.
17. Гиясов С.А. Инновацион-инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш: Монография. – Т.: Молия, 2020. – 197 б.

Тақризчи:

Абдибаева Т.Х., иқтисодиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Малака ошириш маркази Махсус фанлар кафедраси доценти.